# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 10 ноябрь, № 239 (8582) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ТАРИХИЙ САММИТ:

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА БЎЛГАН УМУМИЙ ИНТИЛИШЛАР МАЙДОНИ




**9 ноябрь куни Тошкент шаҳрида «Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари» шиори остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какар, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов ва ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, ИҲТ доирасида кўп қиррали ҳамкорлик истиқболлари ва уни янги босқичга олиб чиқиш муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти саммитни очар экан, ушбу муҳим тадбирдаги иштироки учун олий мартабали меҳмонларга самимий миннатдорлик билдирди, бу ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган умумий интилишларнинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ташкилот аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туриши қайд этилди.

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли бош котиб!

Анжуман иштирокчилари!

Авваламбор, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Бугунги олий даражадаги учрашувимиз бизнинг умумий тараққиёт йўлида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий интилишимизнинг яққол далилидир.

Бугун кўз ўнгимизда дунё сиёсий архитектураси том маънода ўзгармоқда ва глобал қайта қурилиши содир бўлмоқда.

Бу мураккаб жараёнларда ўзининг катта ўрнига эга бўлган Ташкилотимиз давлатлари биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, вужудга келаётган хавф-хатарларга қарши самарали ечимлар топиши муҳимдир.

**“Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари”** шиори остида ўтаётган саммитимизда сиз, азиз ҳамкасбларим билан кўп томонлама алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва энг долзарб масалалар бўйича батафсил фикр алмашамиз.

Барчангизга бугунги тадбиримизда иштирок этаётганингиз ва ўзаро манфаатли муносабатларимиз равнақига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни Ташкилотимиздаги муваффақиятли раислиги билан самимий табриклайман.

Озарбайжон раислиги доирасида **“Яшил ўтиш ва ўзаро боғлиқлик йили”**да ўтказилган қатор тадбир ва ташаббуслар амалий шериклигимизни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Келгуси йилда Ташкилотимизга раислик қиладиган Эрон Ислом Республикасининг минтақавий савдони ривожлантириш орқали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасидаги режа ва мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бундан роппа-роса икки йил олдин Ашхобод шаҳрида Ташкилотимизнинг ўн бешинчи саммитини муваффақиятли ўтказган эдик. Туркманистондаги йиғилишимизда қабул қилинган муҳим қарорлар тузилмамиз фаолиятига янги нафас олиб кирди.

Ташкилотни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт вазирларимиз қабул қилган Тошкент декларациясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Боку шаҳрида Тоза энергия марказини ташкил этиш ва минтақавий электр энергияси бозорини яратиш масаласи бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди. Туризм ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида биринчи бор Ташкилот туроператорлари тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Қадрли делегациялар раҳбарлари!

Ташкилотимиз аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туради.

Ярим миллиард аҳоли яшайдиган кенг минтақамиз савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

Таҳлилларга кўра, жаҳондаги глобал инқирозга қарамасдан, бизнинг иқтисодиётларимиз барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ортга қайтмас ислоҳотлар жадал амалга оширилаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Биз иқтисодиётни либераллаштириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтиришга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Янги Ўзбекистонда сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробар кўпайди. 2030 йилга қадар ушбу иқтисодий кўрсаткични яна икки баробарга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бунга, аввало, “яшил” иқтисодиёт ва замонавий инфратузилмани барпо этиш, хусусий секторни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда.

→ 2

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Дунёдаги бугунги зиддиятлар, савдодаги чекловлар иқтисодиётда ўз аксини топмай қолмайди. Жумладан, бу омиллар озиқ-овқат ва тўқимачилик экспортига салбий таъсир қилди. Бу вазиятда энг тўғри йўл — қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига таннархни камайтириш, чуқур қайта ишлашга ва қўшилган қиймат яратишга кўпроқ инвестиция жалб қилиб, экспортни кўпайтиришдир.

Шу боис йиғилишда қишлоқ хўжалигини янгича ёндашувлар, ташкилий ва молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир тармоққа алоҳида тўхталиб, янги таклиф ва ташаббусларни айтди.

Таҳлилларга кўра, бу йил 41 та пахта-тўқимачилик кластерида ҳосилдорлик 40 центнердан ошган бўлса, 9 тасида 30 центнердан кам бўлган. Ҳосилдорлик пастлиги ва таннарх юқорилиги оқибатида Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида рентабеллик 10-11 фоиздан ошмаган.

→ 3

## ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕРЖО МАТТАРЕЛЛА ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла 9 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташриф доирасида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил июнь ойидаги Италияга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит якунида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Шунингдек, Президент Сержо Маттарелла Самарқанд ва Хива шаҳарларига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси билан танишади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — Италия:

## МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Президенти Сержо Маттарелла 9 — 11 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.*

Италия Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 24 мартда ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8-9 июнь кунлари Италияга расмий ташрифи Ўзбекистон — Италия кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Италия Президенти Сержо Маттарелла, Бош вазир Жоржа Мелони, ушбу мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари вакиллари билан самарали музокаралар ўтказди. Ташриф якунлари бўйича икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 11 та ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка кучли туртки берди.

→ 3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 6 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 24 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**биологик ҳимоя воситалари** – ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг зарарли организмларига қарши курашиш учун қўлланиладиган фойдали организмлар ёки уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари;

**(Давоми 4, 5-бетларда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

1

Бу борада халқаро майдонда ўз овози ва нуфузига эга Ташкилотимизнинг барча аъзолари билан самарали ишлашга тайёрмиз. Зеро, яқин ва яхши қўшни бўлган мамлакатларимиз иқтисодиётлари бир-бирини тўлдира олади. Умумий савдо-транспорт коридорлари ва энергетика тармоқлари эса давлатларимизни узвий боғлайди. Биз янги "ўсиш нуқталари"ни биргаликда излаб топиш орқали келгусида салмоқли натижаларга албатта эришамиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Ташкилотимизнинг асосий ҳужжати бўлган "Истиқболлар — 2025" ижросини сарҳисоб қилишни қўллаб-қувватлайди. Ҳозирча ишга солинмаётган катта имкониятларнинг чуқур таҳлили асосида Ташкилотимизнинг келажакдаги устувор соҳа ва тармоқларини белгилаб берувчи **"Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035"** концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу муҳим ҳужжатда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

**Биринчидан,** ўзаро савдони рағбатлантириш. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди. Бу Ташкилотга аъзо давлатлар умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизи демакдир. Афсуски, имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар кутилган самарани бермаяпти. Тўсиқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон кўплаб чеклов ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бу ҳолатларни очиқ тан олишимиз ва уларни ижобий томонга ўзгартириш учун вазиятга янгича қараш билан ёндашиш керак. Шу муносабат билан экспертларимиз томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга чақираман.

Ушбу ҳужжатда товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, божхона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

**Иккинчидан,** ўзаро транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш. Аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас. Шу билан бирга, Осиё — Тинч океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа минтақаларининг йирик бозорлари билан боғлайдиган ва бизнинг ҳудудларимиз орқали ўтадиган трансконтинентал транспорт йўлаклари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Келгусида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Трансафғон мультимодал йўлларининг ишга туширилиши барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келади.

Тошкентда 2 ноябрда бўлиб ўтган транспорт вазирларининг йиғилишида Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга чақираман.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Озарбайжон ва Туркия билан юк ташиш ҳужжатларини рақамлаштирди, шунингдек, бошқа давлатлар билан бундай лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу каби замонавий тизимларни кенг жорий қилиш ҳамда самарали мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Ташкилотнинг Рақамли транспорт ва божхона офисини ташкил этиш ташаббусини билдираман.

**Учинчидан,** саноат кооперацияси ҳамда ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш, индустриал хабларни шакллантириш.

Биз ўзаро инвестициялар оқимини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш бўйича Қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, Ташкилотимиз Котибиятига тақдим этдик. Мазкур ҳужжатда кимё, энергетика, геология, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика ва қурилиш соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсад қилиб қўйилган. Бу эзгу йўлда Ташкилотнинг Савдо ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини кенгайтириш тарафдоримиз.

Кеча Тошкентда ўтган Савдо-саноат палаталари ва кўплаб компанияларимиз раҳбарлари иштирокидаги бешинчи бизнес форуми хусусий секторда катта салоҳиятга эга эканимизни яққол кўрсатди. Биз Ташкилотимиз доирасида ҳудудлараро саноат кўргазмасини ташкил этиш ва унинг дастлабки тадбирини 2024 йилда юртимизда ўтказиш таклифини илгари сурамиз.

**Тўртинчидан,** энергетика хавфсизлигини кафолатли таъминлаш. Миллий энергетика стратегияларини уйғунлаштириш, минтақалараро энергия ресурсларини узатиш тармоқларини ривожлантириш, "яшил" энергетика технологияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ошмоқда.

Биз Ташкилотнинг энергетика соҳасида ҳамкорлик стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. 2030 йилгача 25 гигаватт қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини яратишни ва балансимизда уларнинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Шу йилнинг ўзида 2 гигаватт қувватдаги йирик шамол ва қуёш электр станцияларини ишга туширяпмиз. Шунингдек, "яшил водород" ишлаб чиқариш соҳасида ҳам илк қадамларни қўймоқдамиз. Ушбу йўналишларда барча давлатлар билан очиқ мулоқот ва тажриба алмашишга тайёрмиз.

Ҳамкорлик масалаларини батафсил муҳокама қилиш ва ишларни тизимли асосда олиб бориш учун Ташкилотимиз доирасида алоҳида Энергетика вазирлари кенгашини таъсис этишни таклиф этамиз.

**Бешинчидан,** иқлим ўзгаришларига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича алоқаларни жадаллаштириш. Ҳозирги вақтда бизнинг давлатларимиз бу ўткир муаммоларнинг оғир оқибатларига дуч келмоқда. Музликларнинг эриши, сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш, чанг бўронлари, тупроқ емирилиши ва биологик хилмахилликнинг йўқолиши каби жараёнлар қаттиқ хавотир уйғотмоқда.

Тузилмамиз доирасида Экология масалалари бўйича юқори даражали платформа яратиш борасида ғоямизни қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур изҳор этаман. Унинг биринчи анжуманини 2024 йили Самарқанд иқлим форуми доирасида ташкил этишга тайёрмиз.

Шунингдек, келгуси ҳафтада юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш бўйича қўмита йиғилишида вакилларингизни фаол иштирок этишга чорлаймиз. Ҳозирги вақтда тобора жиддий муаммога айланиб бораётган қум-чанг бўронларига қарши курашиш мақсадида Самарқанд декларациясини қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

**Олтинчидан,** туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда 140 дан ортиқ давлатлар иштирокида Самарқандда бўлиб ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси сессияси минтақамиз сайёҳлик салоҳиятига бутун дунё эътиборини жалб этиш борасида тарихий воқеа бўлди.

Бугунги кунда Ташкилот маконида ЮНЕСКОнинг 90 га яқин Бутунжаҳон мероси объектлари жойлашган бўлиб, мамлакатларимизга ҳар йили салкам 80 миллион хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Трансчегаравий йўналишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик маршрутларни жорий этиш ҳамда "Ипак йўли" сайёҳлик бренди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтиришни таклиф этаман.

Ташкилотимиз Котибияти ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмуриятлари ва етакчи экспертлардан иборат алоҳида Туризм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш таклифини билдирмоқчиман. Унинг илк учрашувини келгуси йили Ташкилотимизнинг туризм пойтахти деб эълон қилинган Шаҳрисабз шаҳрида ўтказишга тайёрмиз.

Шунингдек, аъзо давлатларни Самарқандда очилган Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Халқаро туризм академияси имкониятларидан унумли фойдаланишга чақирамиз.

**Еттинчидан,** маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали дўст халқларимизни янада яқинлаштириш. Ҳар йили мамлакатларимизда навбат билан Маданият, санъат ва кино ҳафталикларини ўтказиб бориш, ёшларнинг ижодий фестиваллари ва инновацион ҳамкорлик платформасини йўлга қўйиш, фундаментал илмий йўналишларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш алоқаларимиз ривожига кучли туртки бағишлайди.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!

Глобал тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган Яқин Шарқдаги Фаластин — Исроил уруши барчамизда катта ташвиш уйғотмоқда. Минг афсуски, бу қонли низо оқибатида, аввало, тинч аҳоли вакиллари, айниқса, аёллар, болалар ва кексалар кўплаб қурбон бўлмоқда. Урушнинг минтақа бўйлаб ёйилиб кетиш хавфи тобора реал тус олмоқда.

Қарама-қаршиликнинг кенг кўламли низога айланиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Биз томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга, тинч музокараларни бошлаш, оқилона муросага келишга чақирамиз.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қатъий позициямизни яна бир бор билдирамиз.

Шунингдек, бугунги саммит Ташкилотимиз аъзоларидан бири бўлган Афғонистон иштирокисиз ўтаётганига диққатингизни қаратмоқчиман.

Асрлар давомида бизга ён қўшни бўлган кўп миллатли Афғонистон халқини бугунги мураккаб муаммолари қаршисида ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнларига фаол жалб этиш барқарор тараққиётимизнинг ажралмас ва зарурий шартидир.

Барчангизни афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни кўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жамоавий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ҳал этишга чақираман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Нутқимнинг якунида алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги тарихий саммит ва унинг натижалари Ташкилотимизни самарали ва таъсирчан тузилмага айлантиришга, кўп қиррали шериклигимизни янги марраларга олиб чиқишига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ТАРИХИЙ САММИТ:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА БЎЛГАН УМУМИЙ ИНТИЛИШЛАР МАЙДОНИ

1

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ярим миллиард аҳоли яшайдиган ИҲТ макони савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, 2021 йилги Ашхобод саммитида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жумладан, ташкилот фаолиятини ислоҳ қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда транспорт вазирларининг Тошкент декларацияси қабул қилинди, минтақавий электр энергияси бозори ҳамда Боку шаҳрида Тоза энергия маркази ташкил этилмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди, туроператорлар тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти аъзо давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган катта салоҳият мавжудлигини таъкидлади. Масалан, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди, бу уларнинг умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизидир.

Имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар кутилган самарани бермаяпти. Тўсиқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон кўплаб чеклов ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

ИҲТ доирасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти "Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035" концептуал ҳужжатини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ушбу муҳим ҳужжатда ўзаро савдони рағбатлантириш, транспорт-коммуникациявий боғлиқликни кучайтириш, саноат кооперациясини фаоллаштириш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш каби асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбари товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, божхона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга чақирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

Аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмаслигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти трансқитъавий транспорт йўлаклари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Трансафғон мультимодал йўли лойиҳаларини ишга тушириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Тошкентда 2 ноябрда бўлиб ўтган транспорт вазирларининг йиғилишида Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга чақирди.

Юк ташиш тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш ва бундай замонавий тизимларни самарали мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида Рақамли транспорт ва божхона офисини ташкил этиш ташаббуси билдирилди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро инвестициялар оқимини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш бўйича Қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳудудлараро саноат кўргазмасини ташкил этиб, унинг дастлабки тадбирини 2024 йилда юртимизда ўтказиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон ташкилотнинг Савдо ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини кенгайтириш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш доирасида миллий энергетика стратегияларини уйғунлаштириш, минтақалараро энергия ресурсларини узатиш тармоқларини ривожлантириш, "яшил" энергетика технологияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ошиб бораётгани кўрсатиб ўтилди. Соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ИҲТ Энергетика вазирлари кенгашини таъсис этиш таклиф қилинди.

Иқлим билан боғлиқ хатарлар ортиб бораётгани муносабати билан Ўзбекистон Президенти иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини қайд этди. 2024 йилда бўлажак Самарқанд иқлим форуми доирасида Экология масалалари бўйича юқори даражали платформанинг биринчи анжуманини ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташкилотга аъзо мамлакатлар вакилларини келгуси ҳафтада юртимизда бўладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш бўйича қўмита йиғилишида фаол иштирок этишга чорлади ҳамда қум-чанг бўронларига қарши курашиш мақсадида Самарқанд декларациясини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳиятни ва трансчегаравий йўналишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик маршрутларни жорий этиш ҳамда "Ипак йўли" сайёҳлик бренди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтириш таклиф этилди.

Президентимиз ИҲТ Котибияти ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмуриятлари ва етакчи экспертлардан иборат Туризм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ҳамда унинг илк учрашувини ташкилотнинг туризм пойтахти деб эълон қилинган Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиш таклифини билдирди.

ИҲТ мамлакатлари халқларини янада яқинлаштиришда маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг аҳамиятини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ҳар йили маданият, санъат ва кино ҳафталикларини ўтказиб бориш, ёшларнинг ижодий фестиваллари ва инновацион ҳамкорлик платформасини йўлга қўйиш, фундаментал илмий йўналишларда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўткир халқаро ва минтақавий муаммоларга, шу жумладан, Яқин Шарқ ва Афғонистондаги вазиятга ҳам тўхталиб ўтди. Ғазо секторидаги ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, тинчлик музокараларини бошлаш ва оқилона муросага келишга чақирди. Фаластин халқи БМТ резолюциялари билан тасдиқланган ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқи борасидаги қатъий позициясини яна бир бор билдирди.

Ўзбекистон Президенти афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни кўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жамоавий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ҳал этишга чақирди. Таъкидланганидек, ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнларига фаол жалб этиш барқарор тараққиётимизнинг ажралмас ва зарурий шартидир.

Саммитда Озарбайжон, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Покистон, Қозоғистон делегациялари раҳбарлари ҳамда ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий ҳам сўзга чиқди.

Кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти саммит раиси сифатида ташкилотнинг илм-фандаги муваффақиятлар учун мукофоти ғолибларини эълон қилди. Ҳар бир мамлакатдан бир нафар вакил мукофотга сазовор бўлди.

Тадбир якунида Тошкент коммюникеси қабул қилинди.

Ташкилотга раислик Эронга ўтди, навбатдаги саммит Озарбайжонда ўтказилиши белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити тадбирлари доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов билан учрашувлар ўтказди.**

**Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашувда Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо, инвестициялар, инновациялар ва транспорт соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.**

Ўзаро мулоқотлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Икки томонлама савдода ўсиш суръати сақланиб қолмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари биргаликда амалга оширилмоқда.

Илгари олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги, логистикада ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон раҳбарлари маданий-гуманитар ва илм-фан соҳасидаги алмашинувларни ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги бугунги вазият нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

**Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.**

Ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича, шу жумладан, Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида мувофиқлашган ишларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳудудлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов суҳбат аввалида Ўзбекистон етакчисига Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.**

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари ҳамда олий даражадаги келишувлар ижроси батафсил кўриб чиқилди.

Томонлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва чуқурлашган стратегик шериклик изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Савдо, саноат, энергетика, сув хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқалар фаол. Жорий йил октябрь ойида Туркманистон ва Ўзбекистон маданият кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Икки мамлакат Президентлари минтақавий кун тартиби ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқдилар.

**Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашувда Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.**

Мунтазам ўтказиб келинаётган олий даражадаги мулоқотларда эришилган келишувларнинг натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда, автомобиль, электротехника, тўқимачилик саноатида, энергетика тармоғида, қишлоқ хўжалиги, логистика ва бошқа устувор йўналишларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари амалий ҳамкорлик дастур ва лойиҳаларини илгари суриш борасида биргаликдаги ишларни жадал давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

**Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Олий даражада эришилган, шу жумладан, товар айирбошлашни ошириш, саноат кооперацияси ва логистика лойиҳаларини илгари суриш борасидаги келишувларнинг тўлиқ амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг самарали ишини давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

**ЎзА.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Шароит ва изланиш бўлса, яхши тажрибалар ҳам бор. Масалан, Навоий вилоятидаги "Навбаҳор" кластери хориждан олиб келган янги пахта нави ўртача 70 центнердан ортиқ ҳосил беряпти. Унинг таннархи, дейлик, Жиззахдагига нисбатан қарийб икки баробар арзонга айланяпти.

Шу боис пахта уруғчилиги бўйича янгича ёндашувлар кўрсатиб ўтилди. Унга биноан, келгуси йили ҳар бир вилоятдаги балл бонитети паст, суғориш қийин бўлган ва ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмайдиган 1 тадан туманда 70 — 80 центнердан юқори ҳосил берадиган пахта уруғини четдан олиб келишга рухсат этилади. Шунингдек, 30 центнердан паст ҳосил бераётган навларни экиш тўхтатилиб, уруғчилик институтлари томонидан ишлаб чиқилган янги серҳосил навлар билан алмаштирилади.

Бу соҳадаги яна бир долзарб масала — айрим кластер ва фермерлар ўртасида ҳисоб-китоб интизоми бузилган. 122 та кластернинг Қишлоқ хўжалиги жамғармаси ва фермерлар олдида қарздорлиги бор. 6 та кластернинг ишлаб чиқариш қуввати йўқ бўлса-да, уларга имтиёзли кредит берилган.

Шундан келиб чиқиб, кластерларни ташкил этиш, улар билан фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Энди янги кластерларга молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техника таъминоти бўйича талаблар қўйилади ва очиқ танлов орқали танланади. Уларда камида икки босқичли қайта ишлаш бўлиши шарт.

Фермерлар бир вилоят ичидаги хоҳлаган кластери билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Улар фьючерс шартномасидан ортган ҳосилни биржа орқали сотишига ҳам имконият яратилади.

Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун пахта етиштиришга 60 фоиз аванс кўринишидаги имтиёзли кредитлар тўғридан-тўғри фермерларга ажратилади.

Кластерлар эса етиштирилган пахтани сотиб олиш ва терим учун маблағ бериш орқали молиялаштирилади. Чуқур қайта ишлашга ҳам алоҳида маблағлар ажратилади.

Мутасаддиларга кластер ва фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг янги тартибини йўлга қўйиш, улар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди. Кластерларни халқаро молия стандартларига ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Бу йилги пахта ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш натижасида 2024 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9,6 миллиард долларга, экспортни эса 4,5 миллиард долларга етказиш ҳисоб-китоб қилинган.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида газлама ишлаб чиқариш ва бўёқхоналар ташкил қилиш бўйича 350 миллион долларлик, Қорақалпоғистонда сунъий тола, газлама-мато ва бўяшга ихтисослаштирилган 60 миллион долларлик лойиҳалар бошланган. Бу корхоналар келгуси йил ишга туширилиб, тадбиркорларга саноат ипотекаси асосида берилади. Уларда 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилади.

Мазкур тармоқ ривожини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, газлама-мато, бўяш ва тикувчилик бўйича янги қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилади. Жумладан:

— бўялган матонинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини ички бозорга сотган корхоналар ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўлайди;

— уларга мол-мулк солиғини 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

— 2025 йил 1 январга қадар пахта ва сунъий толани импорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади;

— тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари учун зарур технологик ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини импорт қилишда улар божхона божидан озод қилинади.

Президентимиз бундай имкониятлардан фойдаланиб, лойиҳаларни кўпайтириш, инфратузилма харажатларининг ярмини қоплаб бериш муҳимлигини таъкидлади.

Боғдорчиликда 16 минг гектар боғ ва 10 минг гектар токзорнинг ҳосилдорлиги пастлиги қайд этилди. Бу уларда гектаридан камида 3 — 5 минг доллардан, йилига ўртача 100 миллион доллар даромад йўқотиляпти, дегани.

Шу боис энди ҳар бир туманда ҳоким бошчилигида қишлоқ хўжалиги, солиқ ва статистика ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, боғ ва токзорлар йилига камида бир марта хатловдан ўтказилади. Улар самарасиз деб топилса, ер солиғидан берилган имтиёз бекор қилинади ва солиқ тўлиқ ундириб олинади. Келгуси йилдан бошлаб, боғ ва токзорларга ҳосилдорлиги ва тушумига қараб, табақалашган ер солиғи ставкалари жорий қилинади.

Шунингдек, боғлардаги қатор ораларида ва томорқаларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш вазифаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда паррандачиликда йилига 690 минг тонна гўшт ва 8,7 миллиард дона тухум етиштирилади. Сўнгги ойларда бу маҳсулотлар нархи сезиларли ошди. Озуқа муаммоси маҳсулот таннархини пасайтириш имконини бермаяпти. Шунинг учун 8 та йирик дон омбори ташкил этилиши айтилди.

Яна бир муҳим масала — бизда биринчи тартибли парранда наслининг ота-оналик линияси йўқ, шу сабабли йилига 3 миллион бош жўжа импорт қилинмоқда. Бу насл ўзимизда бўлса, ишлаб чиқаришни 3 баробар ошириш, гўшт таннархини 10 фоизга камайтириш мумкин. Энг муҳими, йилига 50 миллион долларлик инкубацион тухум ва наслли жўжалар экспорт қилиш имкони пайдо бўлади. Шу борада АҚШ компаниялари билан келишувга эришиш вазифаси қўйилди.

25 та туманда чорва кластерлари ташкил этиш, сут етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, балиқ етиштиришни кўпайтириш, Словения тажрибаси асосида ҳовузлар барпо этиш масалалари ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш масаласи ҳам таҳлил қилинди. Халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар тўлиқ йўналтирилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Негаки, бу маблағлар 20 — 25 йилга жалб қилинган бўлса-да, банклар томонидан тадбиркорларга 5 — 7 йилга ажратилмоқда. Кредит бериш учун лойиҳаларни кўриб чиқиш муддати бир йилгача чўзилмоқда. Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари чекланганi сабабли тадбиркорларда қизиқиш кам.

Шу боис бу ресурсларни банклар учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам жозибадор шартларда ажратиш кераклиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига бериладиган кредитлар муддати 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилгача узайтирилиши, улар 2 ойгача муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига халқаро молия ташкилотлари, бюджет ва банклар ажратаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича ички аудит хизматини ташкил қилиш топширилди.

Йирик савдо тармоқларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тенг шароит яратилмагани, бу рақобат ва нарх-навога таъсир этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда бюджетга тушумларни таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада айрим туман ва шаҳарларда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, даромадлар ҳажми ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестицияларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрилгани таъкидланиб, ҳудудларга табиий газ етказиб бериш ва ҳисобини юритиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУФАЙЛИ ИҲТ ЮКСАЛИШ УЧУН ЯНГИ КУЧ ОЛМОҚДА

## Хорижий экспертлар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити якунлари ҳақида.

*8-9 ноябрь кунлари Тошкентда «Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари» шиори остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) саммити бўлиб ўтди.*

*Тадбирга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислик қилди. Унда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Туркия давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.*

*Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон, Туркия, Эрон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон Президентлари, шунингдек, Покистон ва Қозоғистон Бош вазирлари ҳамда ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.*

*Саммит арафасида Тошкентда ташкилотга аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ва ҳукумат вакиллари иштирокида бизнес форуми бўлиб ўтди.*

*Тошкентда илк бор уюштирилган ушбу тадбир халқаро майдонда катта акс садо бериш баробарида, саммит якунлари халқаро эксперт доира вакилларининг юқори қизиқишига сабаб бўлаётир.*

*Аксарият экспертлар Ўзбекистон ташкилот фаолиятига ўзининг замонавий ривожланишига хос бўлган динамизм ва конструктивлик олиб киргани ҳамда ИҲТ маконида ўзаро савдони яхшилаш, транспорт алоқаларини кенгайтириш, энергия ва экологик хавфсизликни таъминлаш катализаторига айланиб бораётганини таъкидламоқда.*

## Эътироф

**Жан-Антуан ДЮПРА, Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):**



— ИҲТ Европа Иттифоқи мисолида савдони рағбатлантириш, ягона товар ва хизматлар бозорини вужудга келтириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга интилади. Ушбу улкан ҳудудий тузилмада Ўзбекистоннинг ролини ошириш Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи иқтисодий стратегиясига тўлиқ мос келади. ИҲТ давлатлари республиканинг асосий савдо ҳамкорларига айланди. 2022 йилда Ўзбекистон ва ИҲТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард долларга етди, 2023 йилнинг январь — июль ойларида эса 5,8 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистоннинг ИҲТга раислиги бошланган 2022 йилдан буён кўплаб соҳаларда 25 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Масалан, 2022 йил июль ойида Тошкентда ИҲТга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги вазирларининг 7-йиғилиши, 2022 йил декабрда туризм вазирларининг тўртинчи йиғилиши, 2023 йил январда эса ИҲТга аъзо барча давлатлар ТИВ раҳбарлари иштирокида Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан, Тошкентда илк бор бўлиб ўтган ИҲТ 16-саммити ташкилот тараққиётининг янги босқичи ва улкан истиқболларини кўрсатади.

ИҲТ Марказий ва Жанубий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ ўртасида савдо ва сармоявий имкониятларни ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга ёрдам берувчи ташкилотга айланмоқда.

Ўзбекистон ИҲТ доирасида автомобиль ва темир йўл транспорти инфратузилмасига, минтақалараро транзит узелларини яратишга, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштиришга, хусусан, рақамлаштиришни жорий этишга, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, Афғонистонга кўмакни кучайтириш ва бу давлат билан биргаликда турли соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга оширишга сармоя киритиш тарафдори.

**Муҳаммад АМИН, Сингапурнинг «STI» компанияси вице-президенти:**



— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган саммити Ўзбекистоннинг халқаро майдон ва минтақавий интеграциядаги роли ортиб бораётганини намоён этувчи муҳим воқеа бўлди. У мамлакатнинг минтақавий жараёнларда фаол қатнашиш, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, сармоявий ва гуманитар алмашинув соҳаларида умумий манфаатларни амалга оширишга ҳисса қўшиш истагини ифодалайди.

Саммит долзарб минтақавий муаммоларга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш имконини берди, бу, шубҳасиз, ИҲТ давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини бойитади ва унинг самарадорлигини оширади.

Шунингдек, саммитнинг муваффақиятли ўтказилиши Ўзбекистоннинг кенг халқаро ҳамкорликка очиқ давлат ва муҳим минтақавий ташаббуслар учун платформа сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу халқаро инвесторлар ва шериклар учун Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва очиқлиги, шунингдек, унинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашдаги роли ошиб бораётганидан дарак беради.

**Вита КОБИЭЛА, Европа Иттифоқи — Марказий Осиё муносабатлари бўйича мустақил таҳлилчи, «COTANCE» агентлигининг лойиҳалар ва коммуникациялар бўйича менежери (Бельгия):**



— Тошкент Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммитига мезбонлик қилиш баробарида, яна бир бор минтақавий бирдамлик марказига айланди.

Мазкур воқеа ва унинг натижалари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи, ўзида чуқур тарихий мерос ва инновацияларга интилишни мужассам этган мамлакатнинг ўрни ортиб бораётганидан яққол далолат.

500 миллион кишилик бозорга эга Озарбайжон, Эрон, Покистон, Туркия ва Марказий Осиёнинг бешта мамлакати давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мазкур форумдаги иштироки ИҲТ доирасида илгари сурилган ва муҳокама қилинган ташаббусларга халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу, айниқса, Ўзбекистон ташаббусларига тааллуқлидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ЮНИДО ва СПЕКА билан биргаликда ИҲТ доирасида Савдо, инвестиция ва инновациялар марказини ташкил қилиш ва унинг бош офисини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ҳақидаги таклифи минтақавий иқтисодий ривожланиш тарихида янги саҳифа очмоқда. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг динамик хусусиятини акс эттирувчи ушбу таклиф Марказий Осиёни глобал сармоя ва технологик алмашинув майдонига айлантириши мумкин.

Товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард доллардан ошган Ўзбекистон ўзини ИҲТдаги асосий иқтисодий ҳамкор сифатида кўрсатмоқда ва бу мамлакатнинг минтақада савдо ҳамда сармоявий алоқаларни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини таъкидламоқда. Иқтисодий шерикликдаги муваффақият бутун минтақа учун инновациялар ва ривожланишнинг драйвери бўлиб хизмат қилувчи 4400 га яқин қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши билан бирга келади.

Ўзбекистон турли халқаро ташкилотлардан ИҲТ ҳузуридаги кузатувчиларни олқишлаб, кўп томонлама мулоқотга содиқлигини ва халқаро тамойилларга ҳурматини намойиш қилди. Бу дунё тобора ўзаро боғлиқликка таяниб бораётгани ва ҳар бир овоз тинглашга лойиқ эканини чуқур англашдан далолат беради.

ИҲТнинг «Истиқболлар — 2025» дастури Ўзбекистон ва унинг ҳамкорлари олдига савдо, транспорт, энергетика ва атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган улкан мақсадларни қўйди. Бу Ўзбекистон ўзгаришлар катализатори ролини ўйнайдиган минтақа учун барқарор ва фаровон келажак яратишга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Табиий ресурслар ва маданий меросга бой ўзбек замини ўзининг меҳмондўстлик ва маданий алмашинув маркази сифатидаги ролини яна бир бор тасдиқлади.

Тошкентда бўлиб ўтган ИҲТ саммити нафақат «ақллар» учрашуви ва фикр алмашиш, балки ўзбекларнинг очиқлиги ва анъаналари байрами бўлиб, дипломатия ва дўстона муносабатлар иқтисодий ўсиш ҳамда инновациялар билан ёнма-ён туришини намойиш этди.

**Сон ЧЖУАНЧИ, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:**



— ИҲТнинг Тошкент саммити мазкур ташкилот тарихига унинг фаолияти ривожига келгуси йиллар учун кучли туртки берган янги муҳим воқеа сифатида киради.

Ўзбекистоннинг ИҲТга раислигининг асосий лейтмотиви Марказий Осиёнинг қўшни ва узоқ минтақалар билан ўзаро боғлиқликни фаол мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан халқаро юк ва йўловчи ташувларини енгиллаштириш, бу орқали ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг фаол саъй-ҳаракатларининг самарали таъсири йирик «ШҲТ оиласи»нинг бир қисми бўлган ИҲТга аъзо давлатлар географиясидан ҳам четга чиқади. Европа ва Осиё — Тинч океани минтақасидаги кўплаб давлатлар транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида илгари сурилаётган устувор йўналишлар билан ҳамоҳангдир.

**Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ, Анқара инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази «ANKASAM» директори (Туркия):**



— Евроосиёнинг нуфузли мамлакатларидан бири — янги Ўзбекистон яна бир муҳим халқаро тадбирни муваффақиятли ўтказди. Аввало, минтақавий ҳамкорлик бўйича йирик ташкилот — ИҲТ саммитига Ўзбекистон илк бор мезбонлик қилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистоннинг ташкилотдаги фаолияти мамлакатнинг кўп қиррали ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у ўзаро муваффақият, конструктив дипломатия, тинчлик ва фаровонлик тамойилларига асосланган.

Халқаро муҳитда инқироз ва муаммолар кучайиб бораётган бир пайтда мазкур саммит «глобал тинчлик», «глобал тараққиёт ва фаровонлик», «глобал барқарорлик ва хавфсизлик» мақсадлари доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиёнинг юраги бўлган Ўзбекистон минтақавийлик катта аҳамият касб этган янги халқаро муҳитда яна бир бор ҳамкорлик, дўстлик ва цивилизацияларнинг муҳим чорраҳаси сифатида намоён бўлмоқда.

Яна бир эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган муҳим жиҳат шундаки, ушбу тадбир учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратаётган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юксак савияда ўтказилди.

Саммит кун тартибидаги масалаларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг нақадар долзарб эканига амин бўламиз. Бунга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорликни яхшилаш, минтақавий савдо, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқалар киради. Саммитда Фаластин — Исроил муаммоси ва Фаластинга гуманитар ёрдам кўрсатиш каби мавзулар ҳам муҳокама қилинди. Бу сигналлар инсон қадр-қимматига қаратилган юксак цивилизациянинг кучли марказларидан бири бўлган Ўзбекистондан келаётгани жуда муҳим.

**«Дунё» АА.**

Ўзбекистон — Италия:

# МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

1 Ўзбекистон ва Италия БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро тузилмалар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Италия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, «Италия — Марказий Осиё» ҳамкорлик форматини янада ривожлантириш тарафдори.

Бугунги кунга қадар икки давлат ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун барча зарур институционал механизмлар яратилган ва улар муваффақиятли ишламоқда. Икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб, уларда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинаётир. Шунингдек, Савдо-иқтисодий, саноат ҳамкорлик ва экспорт кредитлари бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи самарали фаолият кўрсатяпти.

Икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривож топмоқда. 2011 йилдан буён Италия парламенти Депутатлар палатаси ва Сенати билан ҳамкорлик қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида парламентлараро гуруҳлар фаолият юритяпти. Шунингдек, Италия парламентида «Италия — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи тузилган.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасидаги идоралараро ва ҳудудлараро ҳамкорлик янги суръат касб этаётир.

Ўзбекистон ва Италиянинг ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришдан манфаатдорлиги савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги динамикасини белгилаб беради.

Италиялик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқишини давлатимиз раҳбарининг июнь ойидаги ташрифи арафасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг 300 га яқин вакиллари иштирокида ўтказилган қўшма бизнес форуми якунлари, шунингдек, Миланда Президент Шавкат Мирзиёев ва ушбу мамлакатнинг йирик компаниялари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам тасдиқлайди.

Бизнес форуми якунлари бўйича энергетика, газ-кимё ва нефть-газ саноати, металлургия, кимё, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи умумий қиймати 9 миллиард евродан ортиқ бўлган инвестиция ва савдо битимлари имзоланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Италия капитали иштирокидаги 52 та корхона фаолият кўрсатади. Улардан 33 таси қўшма ва 19 таси эса тўлиқ Италия сармоялари асосида ташкил этилган. Италиянинг олтита компанияси офислари, шунингдек, Италия — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурида аккредитациядан ўтган. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари заъфарон, алкоголсиз ичимликлар, вино, шиша аксессуарлари, атир-упа, музқаймоқ, трикотаж, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пахта чиқиндиларини қайта ишлаш, савдо-сотиқ ва воситачилик хизматларидан иборат.

Энг қулай давлат режими Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги савдода қўлланилади. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 390 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Икки давлат тадбиркорларининг ҳудудлараро ҳамкорлиги кенгаймоқда, хусусан, Тошкент вилояти ва Италиянинг Ломбардия минтақаси ўртасида коммунал инфратузилма, кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги кўприк, шериклик нуқтаи назаридан стратегик давлат, улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишида иштирок этишни истаймиз ва кўп томонлама муносабатларимизни чуқурлаштиришга тайёрмиз. Тадбиркорлар илғор технологиялар ва юқори сифатли якуний маҳсулотлар таклиф этувчи ҳамкорликка тайёр. Биз икки томонлама шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун кўмак берамиз», деди Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири ўринбосари Эдмондо Чириелли жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган бизнес форумидаги нутқида.

Ўз навбатида, бугунги кунда Ўзбекистон италияликлар бизнесини кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва уларнинг мамлакатимиздаги фаолияти учун самарали платформа яратишга тайёр.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга бориб тақаладиган маданий-гуманитар алоқалар, илиқ, дўстона муносабатлар Ўзбекистон — Италия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буюк Ипак йўли даврида Рим ва Мовароуннаҳр ўртасида маданий алмашинувлар йўлга қўйилган бўлиб, фаол савдо-сотиқ ишлари олиб борилган. Хусусан, юртимизда амалга оширилган археологик қазишмалар давомида илдизлари Римга бориб тақаладиган артефактлар аниқланди. Масалан, эски Термиз шаҳри харобалари остидан Траян ва Марк Аврелий императорлари даврига оид юзлаб кумуш тангалар, нафис мармардан ишланган ҳайкалчалар қолдиқлари ва Рим худолари тасвирлари туширилган ноёб ашёлар топилди. Ўрта Ер денгизи ва Марказий Осиё минтақалари ўртасида савдо алоқаларидан ташқари дипломатик муносабатлар ҳам ривожланган. Римга кушонлар, хоразмийлар ва туркийлар элчилари бир неча бор ташриф буюрган. Шу билан бирга, муносабатларнинг энг гуллаб-яшнаган онлари Амир Темур ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ўша пайтда Шарққа экспедиция билан ташриф буюрган венециялик савдогарлар ўз таржимаи ҳолларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлар — Бухоро ва Самарқанднинг гўзаллиги ҳамда улуғворлигини юқори баҳолаган.

Бугунги кунда икки мамлакат олимлари мазкур маданиятлар тарихи ва меросини чуқур ўрганмоқда, ўзаро тажриба ва тадқиқот натижалари билан алмашмоқда. Неаполь университети ва Римнинг Сапиенца университети билан ҳамкорликда «Ўзбекистон маданий мероси Италия тўпламларида» китобининг нашр этилиши мазкур йўналишда ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин натижаларидан бири бўлди.

Жорий йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарининг Италияга расмий ташрифи доирасида мамлакатларимиз ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Ҳужжатда мазкур соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари ва янги йўналишлари белгилаб берилган. Ташриф доирасида мамлакатларимиз ўртасида 2026 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги маданий алмашинув дастури ҳам имзоланди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ва Италия ўртасида таълим, туризм, маданият ва санъат, спорт ва археология соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда итальян тилини ўргатиш бўйича курслар фаол ишламоқда. Тошкентда Турин политехника университети ва Пиза университетининг филиаллари фаолият юритмоқда. Айни пайтда ушбу олий таълим муассасаларида 700 дан ортиқ талабалар таҳсил олади.

«Эразмус+» дастури орқали Италиядаги олий таълим муассасалари билан алоқалар кенг ривожланяпти. Рим ва Тошкент ҳамкорлиги инновациялар ва ёшлар тадбиркорлиги соҳаларини ҳам қамраб олган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш имкониятини кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва Италия Миллий тадқиқот кенгаши ўртасида 2021 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасидаги алоқалар изчил давом этяпти.

Ўзбекистон Миллий павильони, учинчи йилдирки, Венеция Халқаро архитектура биенналесининг италиялик ва хорижий меҳмонлари орасида катта муваффақиятга эришмоқда.

Икки давлат ўртасида сайёҳлар оқимини ошириш бўйича ижобий натижалар кўзга ташланаётир. Жумладан, 2022 йилда Ўзбекистонга 9 мингга яқин италиялик сайёҳлар келди. Бугунги кунда Италия Ўзбекистонга сайёҳлари фаол ташриф буюрадиган Европанинг бешта давлатидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ва Италия ўртасида бугунги кунга қадар эришилган ўзаро англашув ва шериклик даражаси сиёсий, иқтисодий ва маданий мулоқотни муваффақиятли давом эттириш ҳамда икки давлат ҳамкорлигини ривожлантиришда янги уйғониш даврининг бошланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиляпти. Шу нуқтаи назардан, Италия Президенти Сержо Маттарелланинг Ўзбекистонга ташрифи бу жараёнга яна бир кучли туртки бўлиб, томонлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва стратегик шерикликни ҳар жиҳатдан кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга интилишнинг яққол тасдиғи бўлади.

**«Дунё» АА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**зарарли организмлар** – ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг ёхуд касаллик қўзғатувчи агентларнинг ўсимликларга ёки ўсимлик маҳсулотларига зарар етказувчи ҳар қандай тури, хили ёки биотипи;

**кимёлаштириш воситалари** – ўсимликларнинг ривожланишини, пишиб етилишини тезлаштириш, ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, шунингдек тупроқ унумдорлигини яхшилаш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар;

**минерал ўғитлар** – тайёрланган ёки қазиб олинган, таркибида минерал шаклидаги озиқлантирувчи моддалар мавжуд бўлган ўғитлар;

**пестицидлар** – зарарли организмларга қарши курашиш учун қўлланиладиган моддалар;

**фитосанитария тадбирлари** – зарарли организмлар томонидан етказиладиган иқтисодий зарар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш** – зарарли организмларга қарши курашишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари** – ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар ва биологик ҳимоя воситалари.

### 4-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсон соғлиғи ва атроф-муҳит хавфсизлигининг устуворлиги;

тизимлилик ва узлуксизлик;

биологик усулни қўллаш устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик.

## 2-боб. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви

### 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш, уларни рўйхатга олиш ҳамда ишлаб чиқариш, минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатномалар бериш, минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини тасдиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги умумий техник регламентларни тасдиқлайди;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятига эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, янги техникани ва технологик жараёнларни ҳамда қишлоқ хўжалигида уларнинг қўлланилиш усулларини яратишга, синашга ва жорий этишга доир илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда лойиҳалаштириш ишларини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрланишини, қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда иштирок этади;

қишлоқ хўжалигининг кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларига, фавқулодда вазиятлар ҳолатида кимёвий воситаларнинг захираларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

зарарли организмларга қарши курашишнинг интеграциялашган тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа мамлакатлардан зарарли организмлар кириб келиши хавфининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш чораларини кўради;

кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари бўйича техник регламентларни ишлаб чиқади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовлар ўтказиш, рўйхатга олиш, илмий тадқиқотлар учун олиб киришга рухсат беради;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишни амалга оширади ҳамда кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беради;

минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия беради;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатнома беради;

Ўсимликлар зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашишнинг қўллаш учун рухсат этилган кимёвий ҳамда биологик воситалари, дефолиантлар ва ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юритади ҳамда эълон қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилиши тақиқланган ёки чекланган фаол ва нофаол ингредиентларини аниқлайди, Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилиши тақиқланган ёки чекланган фаол ва нофаол ингредиентлари реестрини юритади ҳамда назорат қилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш, техник регламентларга риоя этиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифатини назорат қилади, улардан фойдаланиш тўғрисида хулосалар беради, инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга зарарли таъсири аниқланган тақдирда уларнинг қўлланилишини тақиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар тайёрланишини, қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини ташкил этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятига эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳисобга олиш, олиб кириш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, зарарсизлантириш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш чоғида нормалар, қоидалар ва нормативларга риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга оширади;

токсикологик-гигиеник жиҳатдан баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этади ва ўтказади, пестицидларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги, ишлаб чиқариш объектларидаги ва атроф-муҳит объектларидаги гигиеник нормативлари ҳамда регламентларини ишлаб чиқади;

пестицидларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги ва бошқа ўсимлик маҳсулотидаги қолдиқ миқдорини давлат токсикологик экспертизасидан ўтказади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат санитария-гигиена экспертизасини ўтказади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлайдиган шахсларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўриклари ўтказилишини, шунингдек пестицидлардан заҳарланган беморларга ташхис қўйилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 9-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашни амалга оширади;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат экологик экспертизасини ўтказади;

яроқсиз ҳолга келган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини кўмиб ташлаш жараёнида иштирок этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилиш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа токсик моддалар сақланаётган ёки кўмиб ташланган махсус объектлар фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда, яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантириш ишларини ташкил этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг зарарли организмларга қарши курашишга қаратилган фитосанитария тадбирларини амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг захираларини шакллантиради;

зарарли организмларга, шу жумладан зарар келтирадиган чигирткага қарши курашиш бўйича дастурларни тасдиқлайди;

ўсимликларга зарар етказиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантиради ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назорати

### 11-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назоратини махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидагилар устидан давлат назоратини амалга оширади:

ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатномани, минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни олиш тартибига риоя этилиши;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш чоғида кўрикдан ўтказиш, уларни сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилиш тартибига риоя этилиши;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига риоя этилиши;

биологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига ва уларда етиштириладиган биологик маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига доир талабларга риоя этилиши.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш чоғида санитария ва экология талабларига риоя этилишини текшириш давлат санитария назорати ҳамда экологик назорат доирасида амалга оширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 12-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига қонунчиликда белгиланган тартибда кириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари аниқланган тақдирда, кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари мавжуд бўлган юкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишини тақиқлаш;

божхона органларидан, темир йўл станцияларининг, автовокзалларнинг (автостанцияларнинг), аэропортларнинг ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятларидан олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқилаётган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиш;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига мувофиқ ҳужжатларни талаб қилиш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ижро этилиши шарт бўлган кўрсатмалар киритиш;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқлигини аниқлаш мақсадида улардан лаборатория текширувлари ҳамда тегишли экспертиза учун намуналар олиш;

зарарли организмлар ривожланиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида фитосанитария мониторинги ҳамда прогнозини, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 13-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари:

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш чоғида минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатнома мавжудлигини текшириши ҳамда уларнинг мазкур рухсатномага мувофиқлигини баҳолашни амалга ошириши;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш чоғида уларнинг фитосанитария сертификатига, карантин рухсатномасига мувофиқлигини баҳолашни амалга ошириши;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг лаборатория текширувлари ўтказилишини ташкил этиши;

зарур бўлганда биологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни сўраб олиши ва уларга баҳо бериши;

биологик ҳимоя воситаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиши;

ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишга доир тадбирларни белгилаши шарт.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 4-боб. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 14-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

махсус ваколатли давлат органидан зарарли организмларни аниқлаш мақсадида фитосанитария мониторинги ва назорат текширувлари ўтказилишини талаб қилиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида аризалар бериш ҳамда кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

зарарли организмларга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни рад этиш ҳақидаги, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

тегишли давлат органларидан ўсимликларни ҳимоя қилишга тааллуқли маълумотларни ва ахборотни олиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 15-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш қоидаларига риоя этиши;

синовларни ўтказувчи ташкилотлар томонидан рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш мақсадида кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари намуналарининг ҳамда техник ҳужжатларининг, таққослаш учун эталонларнинг ва таъсир этувчи моддалар таҳлилий стандартларининг зарур бўлган миқдорини тақдим этиши;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги техник регламентларда кўрсатилган хавфсизлик талабларига риоя этиши;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантириши ҳамда уларни махсус омборхоналарда ёки махсус хоналарда тегишли равишда сақлаши;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларини бажариши;

сертификатлаштирилган биологик ҳимоя воситаларини қўллаши;

фитосанитария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ҳамда қўллашнинг қонунчиликда белгиланган тартибига ва қоидаларига риоя этиши, шунингдек ўсимликларнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва бошқа ўсимлик маҳсулотининг ҳамда атроф-муҳитнинг ушбу воситалар билан ифлослантирилишига йўл қўймаслиги шарт.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 5-боб. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳамда улар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга оширишга доир талаблар

### 16-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатга олиниши лозим.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган синовлар натижалари асосида амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари беш йил муддатга рўйхатга олинади.

Рўйхатга олинмаган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, олиб кириш, реализация қилиш ҳамда қўллаш тақиқланади, бундан ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш ҳоллари мустасно.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 4-бетларда).

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

**17-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш самарадорлигини аниқлашни;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига салбий таъсири хавфини баҳолашни ҳамда санитария нормалари ва қоидаларини, гигиена нормативларини ишлаб чиқишни;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилишига экологик жиҳатдан баҳо беришни.

Махсус ваколатли давлат органи ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда ўрганишни амалга оширади.

Ўрганиш натижаларига кўра, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш режаси тасдиқланади ёки синовларни ўтказиш рад этилади.

Махсус ваколатли давлат органи Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказувчи ташкилотлар рўйхатини тасдиқлайди.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовлар кимёлаштириш воситаларининг ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлигини, токсикологик-гигиеник хоссаларини ва экологик хоссаларини аниқлаш учун, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда тасдиқланган режаларга мувофиқ ўтказилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишга доир ариза берган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар синовларни ўтказиш учун кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг зарур миқдордаги намуналарини, техник ҳужжатларни, таққослаш учун эталонларни, таъсир этувчи моддаларнинг таҳлилий стандартларини тақдим этиши шарт.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш муддати икки йилдан ошмаслиги керак.

**18-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулоса**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказган ташкилотлар тегишли хулосани ёки илмий ҳисоботни тайёрлайди ҳамда уни махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Махсус ваколатли давлат органи хулосаларга ва илмий ҳисоботларга асосан якуний хулоса тайёрлайди ҳамда уларнинг натижаларига кўра кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳақида ёхуд рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Махсус ваколатли давлат органи кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижаларини таҳлил қилади ҳамда баҳолашни амалга оширади.

Синовларни ўтказган ташкилотлар ёки улардан бири синовлар якунлари бўйича салбий хулоса чиқарган тақдирда, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш рад этилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулосани тайёрлаш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун ариза берган шахслар, шунингдек ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчилар кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулосани тайёрлашда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулоса устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**19-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш**

Махсус ваколатли давлат органининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳақидаги қарори кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш учун асос бўлади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**20-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан тегишли аризага асосан амалга оширилади.

**21-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

қўлланилаётган кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг таркибида бошқа аралашмалар мавжуд бўлганда ёки уларнинг таркиби рўйхатга олинган таркибдан фарқ қилганда;

рўйхатга олинган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қўлланилганда инсон соғлиғига, атроф-муҳитга ёки биологик ҳимоя воситаларига зарар етказилиши эҳтимоли тўғрисида илмий жиҳатдан тасдиқланган янги маълумотлар мавжуд бўлганда;

рўйхатга олинган кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг номақбул хоссалари, биологик самарадорлиги паст эканлиги аниқланганда.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши махсус ваколатли давлат органи томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг хулосасига асосан тугатилади.

**22-модда. Рўйхатга олинмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича шошилинч чоралар кўрилишини талаб қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтказилмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини бир йилгача бўлган муддатда тажриба тариқасида қўллашга йўл қўйилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллашга доир рухсатнома махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда, олдиндан белгиланган майдон ёки ҳудуд учун бир вегетация даврига бўлган муддатга берилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллашга доир рухсатномани бериш чоғида махсус ваколатли давлат органи тажриба раҳбарини, шунингдек уни ўтказиш қоидалари ва шартларини белгилайди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллаш муддати тугаганидан кейин тажриба раҳбари махсус ваколатли давлат органига тажриба натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қолдиқлари, асбоблар ва мосламалар турган жой ҳақидаги ахборотни тақдим этади.

**23-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва тамғалаш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан амалга оширилади, бундан биологик ҳимоя воситалари мустасно.

Биологик ҳимоя воситаларининг сифатини сертификатлаштириш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тамғалаш ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш, сертификатлаштириш ҳамда тамғалаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**24-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишга, олиб киришга ва олиб чиқишга мувофиқлик сертификати олинганидан ҳамда улар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш тегишли рухсатнома асосида амалга оширилади.

Минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолият лицензияга асосан амалга оширилади.

**25-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш**

Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари фитосанитария, санитария ҳолати ҳамда экологик ҳолат ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Минерал ўғитлар ўсимликларнинг эҳтиёжи, ерларнинг сифати, шунингдек тупроқ таҳлилига ва бошқа таҳлилларга асосан аниқланадиган тупроқ унумдорлигининг ҳолатини баҳолаш натижалари ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш тегишли техник регламентларда кўрсатилган хавфсизлик талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**26-модда. Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш тўғрисидаги ахборот**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишга доир ариза берган юридик ҳамда жисмоний шахслар истеъмолчиларни кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида уларга кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ва қадоқлаш ҳақидаги ахборотни ҳамда огоҳлантирувчи тамғаси мавжуд бўлган идиш ёрлиғини тақдим этиши шарт.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш чоғида сотувчи (етказиб берувчи) идишнинг ҳар бир бирлигига кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ҳамда қадоқлашга доир тавсияномаларни, шунингдек идиш ёрлиғини жойлаштириши керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ҳамда қадоқлашга доир тавсияномаларнинг шакли ва уларни тасдиқлашга ҳамда идишнинг ёрлиғига оид талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

**27-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга доир талаблар**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилишвоситаларини ишлаб чиқарувчилар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг норматив ҳужжатларга мувофиқ истеъмолчи ҳамда чакана савдо учун қулай ва хавфсиз бўлган ўровларда ишлаб чиқарилишини;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг ўсимлик хом-ашёсидаги, доривор хом-ашёдаги ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги қолдиқ миқдорининг белгиланган стандартларга мувофиқлигини;

агар реализация қилиш, фойдаланиш, ташиш ҳамда сақлаш чоғида хавфсизлик талабларига риоя этилмаганлиги натижасида кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг самарадорлиги пасайган бўлса, уларнинг реализация қилиниши тугатилишини ва белгиланган тартибда муомаладан чиқарилишини.

Кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг идишлари ва ўровлари учун фойдаланиладиган материаллар инсонни, атроф-муҳитни кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг хавфли хоссаларидан ҳимоя қилиш учун махсус мослаштирилган бўлиши, ушбу воситалар таркибидаги моддаларнинг емирувчи ёки бошқача таъсирига чидамли бўлиши, шунингдек бир-бирига ўзаро таъсир қилмаслиги ва улар билан хавфли оқибатларни келтириб чиқарувчи реакцияга киришмаслиги керак.

Рўйхатга олинмаган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

**28-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини фақат махсус омборхоналарда ёки махсус хоналарда сақлашга йўл қўйилади. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини махсус идишсиз сақлаш тақиқланади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш чоғида санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда экологик нормативларга риоя этилиши керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлашга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган умумий техник регламентларда белгиланади.

**29-модда. Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантиришга, утилизация қилишга, кўмиб ташлашга ва йўқ қилишга доир талаблар**

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вакилларининг назорати остида амалга оширилади.

Юридик ҳамда жисмоний шахслар кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш чоғида санитария-гигиена нормаларига, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши шарт.

**30-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташишга доир талаблар**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини инсоннинг соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиш эҳтимолини истисно этган ҳолда, махсус жиҳозланган транспорт воситаларида ташишга йўл қўйилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**31-модда. Экологик хавф эҳтимоли бўлган вазиятлар**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида экологик хавф эҳтимоли бўлган вазиятлар юзага келган тақдирда тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистраллари бўйлаб қонунчиликка мувофиқ алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

**32-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида:

хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун мўлжалланган ўсимлик маҳсулотини етиштириш ва қадоқлаш жойларида пестицидларни қўллашга доир мажбурий талабларга риоя этилишини назорат қилади.

**33-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилишга доир фаолиятни молиялаштириш**

Зарарли организмларга қарши курашиш ҳамда фитосанитария хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишга доир фаолият Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Махсус ваколатли давлат органининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат хизматлари, шунингдек зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўзига тегишли ҳудудларда ўсимликларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

**34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**35-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**36-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 116–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 208-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 117–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 209-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **17-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **45-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **118-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–685-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 290-модда) **3-моддаси**.

**37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**38-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 9 ноябрь
№ ЎРҚ—877

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖАДАЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ



*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари Ким Чанг Кеонни қабул қилди.*

## Мулоқот

Қайд этиш жоизки, икки давлат ўртасида сўнгги йилларда иқтисодий алмашинув ва сармоявий фаолият ривожланиб, ҳамкорлик янги поғонага кўтарилмоқда. Корея Республикасидан Ўзбекистонга киритилган инвестициялар ҳажми 7 млрд. доллардан ошгани ва мамлакатимизда қарийб мингта қўшма корхона самарали фаолият юритаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Табиийки, ҳамкорликда амалга оширилаётган янги лойиҳалар икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаат келтиради.

Мулоқот давомида томонлар дастлаб шу йилнинг сентябрь ойида Сенат Раиси бошчилигидаги делегациямизнинг Жанубий Кореяга қилган амалий ташрифи давомида эришилган келишувларга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, ишлаб чиқариш тармоқларига янги инвестиция лойиҳаларини киритиш, чиқинди полигонлари негизида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасини ҳамкорликда барпо этиш, транспорт-логистика йўналишида қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш каби қатор масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, томонлар сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Корея Республикаси етакчи компанияларини Ўзбекистонга жалб этиш юзасидан фикр алмашди.

Ким Чанг Кеоннинг таъкидлашича, Жанубий Корея ишбилармонлари Ўзбекистонга инвестиция киритишдан манфаатдор. Бунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Жанубий Кореядан ташқари Япония ва Хитойга экспортини йўлга қўйишда мамлакат катта имкониятларга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Самимий ва амалий руҳда кечган мулоқотда томонлар ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни изчил давом эттириш ва инвестиция лойиҳаларини жадал суръатда амалга оширишга келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойидаги ижроси юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.*



Таъкидланганидек, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳаёт даражасини ошириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давлат дастурининг жами 443 та яхлит ва кичик бандида назарда тутилган топшириқлардан 250 тасининг ижро муддати 2023 йилнинг 9 ойи этиб белгиланган. Шундан 187 та банд (кичик банд) тўлиқ бажарилган, 42 тасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда, 14 тасининг ижро муддати белгиланган тартибда узайтирилган.

Шунингдек, давлат дастурида қайд этилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Ҳукумат ва парламент ўртасида яқин ҳамкорлик фаолияти олиб борилди. Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва Ҳукумат томонидан назорат-таҳлил тадбирлари кўтарилган масалаларга биргаликда ечим топиш амалиётидан унумли фойдаланилди.

Ўтган даврда давлат дастурида белгиланган вазифалар бўйича 110 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар таҳлили, статистик кўрсаткичлар иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлиги таъминланаётганлиги, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари доирасида кўрилган чоралар туфайли ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,8 фоизни ташкил этди.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар бажарилган. Жумладан, ўтган даврда республика бўйича оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 78 мингга яқин ишсиз хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларни ички меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитиш чоралари кўрилган.

Шу билан бирга, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида инклюзив таълим тизимини умумий ўрта таълим муассасаларида босқичма-босқич жорий қилиш чоралари кўрилган. Жумладан, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда жами 417 та мактабда инклюзив синфлар ташкил этилиб, 734 нафар имконияти чекланган бола қамраб олинган.

Ахборотда келтириб ўтилганидек, бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни кўпайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, соҳада кўрилган чора-тадбирлар доирасида 5,9 млн. нафар 18 — 40 ёшли аҳоли профилактик тиббий кўрикларидан ўтказилди, касалликлари мавжуд аҳолининг 1,4 млн. нафари амбулатор йўсинда ҳамда 41 минг нафари стационар шароитда соғломлаштирилди, 3,8 млн. нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли манзилли скринингдан ўтказилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар кўпайтириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги йиллик улушини камида 5 фоизга етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 46 минг гектар ер майдони фойдаланишга киритилди.

Мажлисда депутатлар томонидан давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар алоҳида қайд этилиб, айрим бандларнинг ижро муддатлари йил давомида, деб белгиланган бўлса-да, уларнинг бажарилиши ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳисоботда етарлича акс эттирилмаганлиги эътирозларга сабаб бўлди.

Муҳокамалар жараёнида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан давлат дастурида муҳим тармоқ ва соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиниши белгиланган қонун лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ҳамда ўз вақтида парламент муҳокамасига киритиш борасидаги ишларга алоҳида масъулият билан эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**ЎзЛиДеП фракцияси** партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат дастурининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни эътироф қилиб, Ҳукумат эътиборини миллий иқтисодиётнинг драйвери бўлган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид сиёсатни давом эттириш, ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш механизмларининг сифатли ва самарали ижросини таъминлашга қаратиш кераклигига урғу берди.

**"Миллий тикланиш" ДП фракцияси** аъзолари давлат дастурининг тўққиз ойлик ижроси юзасидан мактабгача ва мактаб таълими томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиб, ўқитувчилар фаолиятини инсон омилисиз баҳолаш тизимини жорий этиш юзасидан таклифлар берди. Шунингдек, мактабгача таълимга олий маълумотли тарбиячиларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг ойлик маошларини бошланғич синф ўқитувчиларининг маошига тенглаштириш ҳамда ўқитувчиларнинг тоифа сертификатини олишда муаммолар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлиги билдирилди.

**"Адолат" СДП фракцияси** депутатлари коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаётганини эътироф этиб, амалиётда бу борада ҳали-ҳануз айрим муаммолар, хусусан, инсон омили сақланиб қолаётганлигини таъкидлади. Шу боис айрим соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди.

**ЎзХДП фракцияси** вакиллари давлат дастурининг ижтимоий йўналтирилганлиги, партиянинг доимий электорати ҳисобланган эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича манзилли чоралар кўрилаётганини таъкидлаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, шунингдек, бундай ёрдамнинг ижтимоий самарадорлигини доимий мониторинг қилиб боришни зарур, деб ҳисоблайди.

**Экологик партия фракцияси** аъзолари таъкидлаганидек, ҳисоботда барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Фракция давлат дастурида белгиланган вазифалар, соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда, муддати узайтирилган ҳамда тўртинчи чоракда амалга оширилиши белгиланган бандларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда депутатлар томонидан давлат дастурининг ижроси устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш, парламент назоратининг барча шаклидан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастури ижроси юзасидан тақдим қилган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЗАЛВАРЛИ ҚАДАМЛАР

*Кейинги 7 йилда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари — ташқи ва ички сиёсатдаги ислоҳотлари туфайли халқаро майдонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Хусусан, дунёга очиқлик сиёсати натижасида жаҳоннинг турли минтақаларидаги давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларимиз ниҳоятда юксалди. Айниқса, қўшниларимиз билан узилиб қолган алоқаларимиз ўз ўзанига тушганлигини мамлакатимизнинг халқаро майдондаги улкан ютуқларидан бири бўлди, десак, айни ҳақиқат.*

## Мушоҳада

Такрор бўлса-да, айтамизки, бу муваффақиятлар бевосита давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, таъбир жоиз бўлса, кучли шахсияти билан боғлиқ. Буни бугунги кунга келиб, нафақат биз, балки халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда.

Назаримизда, бу аввало, Ўзбекистон етакчиси томонидан халқаро аҳамиятга эга юқори даражадаги саммит ва форумларда, жумладан, БМТ доирасидаги ҳамда минтақавий хусусиятга молик турли тадбирларда чуқур ўйланган ва таҳлил қилинган, узоқни кўзлаган прагматик характерга эга таклифлар илгари суриб келинаётгани билан боғлиқ.

Эътиборлиси, ушбу ташаббус ва таклифлар тарихий аҳамиятга эгалиги, долзарблиги, инсониятни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳамда бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам улар жаҳон ҳамжамияти томонидан изчиллик билан қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро ҳужжатларда ифодасини топмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар пировардида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаб, ривожланган давлатларнинг ҳам биз билан алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қизиқишини ошираётир. Буни жорий йил ноябрь ойининг бошида Франция Президенти Эммануэль Макроннинг мамлакатимизга расмий ташриф билан келгани ва шу жараёнда бир қатор келишувларга эришилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва унга яқин ҳудудлар сиёсатида катта ўринга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Франция Президенти ўз сўзида Ўзбекистон етакчиси томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсати ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш орқали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни алоҳида тилга олди. Айни чоғда у Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳот ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати нақадар тўғри йўлда эканлигини ҳам англатади.

Бундай самимий ва ҳаққоний эътироф Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан ҳам айтилганди. Жумладан, у Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлаш, туркий мамлакатлар манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — "Туркий дунёнинг олий ордени"ни топшириш маросимида самимий фикрлар билдирди. Яъни "Сизнинг ташаббусларингизнинг туркий давлатлар бирлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда ўрни беқиёс", дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон 2019 йилда ташкилотга аъзо бўлиб кирганидан буён давлатимиз раҳбари томонидан туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган 50 дан ортиқ таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга раислиги даврида эса 100 дан зиёд турли тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорликнинг самарали механизмлари яратилди, нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар билан яқин шериклик алоқалари мустаҳкамланди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Президентимизга МДҲ фахрий нишонини топшириш жараёнида узоқ йиллар давомида сақланиб келган Қирғизистон — Ўзбекистон чегараси масалаларидаги муаммолар айнан Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси билан ечим топганлигини қайд этди.

Ўзбекистон етакчисининг Хитойга расмий ташрифи давомида йирик компаниялар раҳбарлари ва таниқли тадбиркорлар билан ўтказган учрашуви таъсирида улар томонидан ОАВга билдирилган фикрлар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, улардан бири шундай дейди: "Ўзбек халқи фақат ўзининг иқтисодий салоҳияти билан қудратли эмас, балки шундай юқори салоҳиятга эга, кучли сиёсий иродали, прагматик, буюк сиёсатчи Президенти билан қудратли ва ғурурланса бўлади".

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити пойтахтимизда ўтказилиши ҳам Ўзбекистон ва унинг етакчисининг халқаро майдонда нечоғли юксак эътирофга эга эканидан далолат беришини яққол ифодалайди.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

**МУҲОКАМА**

# ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРДИ?

## Мақсад — шунчаки тасдиқлаб юбориш эмас

Қонун устуворлиги, мамлакат тараққиёти, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, ёш авлод келажагининг кафолати бўлган долзарб масалалар шу кунларда парламентда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг асосини, мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳам ана шундай муҳим ҳаётий ҳужжатлардан бири — "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан қизғин ва атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда дунёда рўй бераётган глобал иқтисодий ноаниқликлар шароитида барқарор иқтисодий ўсиш изчиллигини таъминлаш учун Бош молиявий ҳужжатнинг пухта ишлаб чиқилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасида мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилганидек, даромадларни кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бюджет интизомини кучайтириш ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари бюджетни шакллантиришда бош мезон бўлиши зарурлиги эътиборга олинган.

Давлат бюджети лойиҳасини қуйи палата депутатлари янгича ёндашувлар асосида кўриб чиқди. Авваллари халқ вакиллари кўпроқ бюджет харажатларига эътибор қаратган бўлса, бу галги муҳокамаларда Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва уларни кўпайтириш масалаларига устувор аҳамият беришди. Шу билан бирга, бюджет харажатлари, айниқса, ижтимоий соҳага ажратилиши мўлжалланаётган маблағларни самарали ишлатиш механизмига алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим жиҳат: жараённи йил охирига қадаб тақаш ва бирданига уч ўқишда бюджетни тасдиқлаб юбориш тажрибасидан воз кечилиб, унинг ҳар бир моддаси парламент аъзолари томонидан чуқур ва атрофлича таҳлил қилинаётгани ҳам диққатга сазовор.

## Субсидия кимларга берилади?

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида депутатлар томонидан асосли таклифлар, баҳсли саволлар ўртага ташланди. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутати, **ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров** оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш масалаларига тўхталиб, уларга субсидиялар бериш жараёнида белгиланган талаблар турли қийинчиликлар келтириб чиқараётганига урғу берди, бу бўйича 2024 йилги бюджет лойиҳасида қандай режалар кўзда тутилаётгани билан қизиқди.

Дарҳақиқат, бугун амалиётда уй-жойга субсидия олиш учун мурожаат қилган фуқародан иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома сўралмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва ногиронлиги бор шахсларнинг кўпчилиги даромадсиз бўлгани сабабли банк томонидан белгиланган талабларни бажара олмаяпти. Натижада уй-жой учун ажратилган маблағлар самарасиз қолиб кетмоқда.

Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиб, ҳақиқатан ҳам, ажратилаётган субсидияларнинг маълум бир қисми айрим ҳудудларда фойдаланилмасдан қолиб кетаётганини қайд этди. Шунингдек, субсидия — ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган, лекин доимий даромадга эга оилаларга тегишли эканини, етимлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчиси йўқ фуқаролар учун эмаслигини таъкидлади. Кўп ҳолларда айрим ҳокимликлар томонидан вазиятдан чиқиш учун эҳтиёжманд аҳоли вакилларига субсидиялар тақдим этиб юборилаётгани, бу эса шундоғам фақат ойлик маошга кун кўраётган фуқароларимизга уй-жой учун олинган кредитнинг кейинги қисмларини тўлашда қийинчиликлар туғдираётганини ва бу тўғри йўл эмаслигини айтиб ўтди. Шу билан бирга, етимлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчиси йўқ фуқароларни бепул уй-жой билан таъминлаш тартиби устида айни пайтда масъул вазирликлар билан биргаликда иш олиб борилаётганини таъкидлади.

## Таълимга ажратилаётган маблағ кутилган натижани бермаяпти

Яна бир депутат, **"Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси Аҳмаджон Ғаниев** 2024 йилги бюджет лойиҳасида таълим-тарбия соҳасига ажратилаётган маблағларга эътибор қаратди.

Депутатнинг қайд этишича, масъул вазирлик харажатлар асосий қисмининг қарийб 80 фоизи ёки 40 триллион сўмга яқинини ўқитувчиларнинг ойлик маошларига йўналтиряпти. Бу кам маблағ эмас. Шунча маблағ сарфланаётганига қарамай, ўтган йилда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларининг натижалари ёшларнинг билими қониқарли эмаслигини кўрсатди. Демак, таълим-тарбия тизимида ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ишига реал баҳо берадиган, яхши ишлайдиган ўқитувчига яхши маош тўлайдиган тизим яратиш, таълим-тарбияда сарф қилинаётган маблағларнинг самарасини кўриш лозим ва шарт. Сертификат ва ўқитувчиларга берилаётган тоифа, афсуски, реалликни акс эттирмаяпти. Ўқитувчига дарсини визуал-видео кузатув орқали баҳо бериш, инсон омилисиз баҳолаш ҳақида ўйлашимиз керак.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги масъули депутат кўтарган масала оғриқли эканини, ўқитувчиларнинг билимини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида охирги йилларда уларнинг ойлик маоши икки баробар кўтарилганини, шунингдек, энг яхши ўқитувчилар ойлигини ошириш механизмлари босқичма-босқич татбиқ қилинаётганини қайд этди. Айни пайтда Ҳукуматга ўқитувчилар тоифаси тизимини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси киритилгани, бу орқали ҳозирги тоифа олиш тизими такомиллаштирилиши таъкидланди. Унга кўра, агар ҳозир фақат ўқитувчининг билимига баҳо берилаётган бўлса, янги тизимда унинг педагогик маҳоратини баҳолашга ўтилади.

Депутат нима учун айнан ушбу саволни кўтаргани бежиз эмас. Чунки ёш авлод билими, интеллектуал салоҳияти, хоҳлаймизми-йўқми, педагогларнинг маҳоратига, билимига бевосита боғлиқ. Шундай экан, яхши ўқитувчи кўпроқ маош бериб рағбатлантирилса, у янада самарали фаолият юритади. Демак, депутат таклифига асосан, бу борадаги механизм ишлаб чиқилишини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

## Берилган савол амалий ечим топадиган бўлди

**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Дониёр Ғаниев** ўтган ҳафтада палатага киритилган Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамасида Ҳукумат аъзолари билан биргаликда кўплаб саволларга ечим топилаётганини эътироф қилиб, бугунги кунда одамларни қийнаётган энг катта муаммо — маҳаллий ҳокимликлар томонидан фуқаролар фойдасига компенсация тўловларини амалга ошириш бўйича суд қарорлари ижроси тўлиқ таъминланмаётганини қайд этди. Айни чоғда маҳаллий бюджет лойиҳаларида бу бўйича аниқ механизм асосида маблағ ажратилишини белгилаш лозимлиги юзасидан ўз таклифини билдирди.

Иқтисодиёт ва молия вазири ушбу масаланинг долзарблигини таъкидлаб, тадбиркорларнинг ер ва мулкини олиб қўйиш 2019 йилда авжга чиққанини, бу ҳолат ҳозирги кунда кескин камайганини қайд этди. Шу билан бирга, айни пайтда ишлаб чиқилган қарор лойиҳасига депутатнинг таклифи билан ҳокимликлар агар кимнингдир ерини олиб қўйган ёки биносини бузганликдан қарзи бўладиган бўлса, бюджетнинг ошириб бажарилган қисмини бошқа мақсадларга сарфлаш тақиқланиши белгилаб қўйилишини маълум қилди.

Ўз-ўзидан англашиладики, ушбу ҳужжатнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳозирги вақтда суд қарори қўлида бўлган, лекин компенсация тўловларини ололмаётган фуқароларнинг сарсон-саргардон бўлишларига чек қўяди. Демак, депутат саволи амалий ечим топадиган бўлди.

## Йўл йиғими учун тўловларни тоифалаштириш қанчалик муҳим?

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўл қурилиши соҳасига маблағлар жамоатчилик фикри асосида "Менинг йўлим" дастури орқали ажратиладиган бўлди.

**Экологик партия фракцияси аъзоси Мухтор Ҳожиматов**нинг фикрича, аксарият йўлларимиз 10 тоннадан ортиқ юкни кўтаришга мўлжалланмаган. Аммо бугун 20 ва ундан ортиқ тонналик юк машиналари ҳаракатланаётгани йўллар сифатига зарар етказмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда 10 тонналик машина ҳам, 50 — 60 тонналик машина ҳам йўл йиғими учун бир хил тўлов тўлаяпти. Депутат ушбу йиғим миқдорини машиналар тоифаларига қараб таснифлаш бўйича таклифни ўртага ташлади.

Бунга жавобан Ҳукумат вакиллари 10 тоннадан ортиқ юк машиналарига алоҳида тўлов жорий этиш таклифи Транспорт вазирлиги билан биргаликда муҳокама қилиниб, бир тўхтамга келинишини билдирди. Бу борада Транспорт вазирлиги масъули ҳам бу ўринли таклиф эканини ва тегишли мутасаддилар билан биргаликда кўриб чиқилишини маълум қилди.

Мунозараларда, шунингдек, ушбу масала юзасидан тегишли вазирликлар билан бирга, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам ўз муносабатини билдириши кераклиги айтилди. Бу ҳам, ўз навбатида, депутатлар кўтараётган масалаларга чуқур ёндашилаётганини кўрсатади.

## Энергетик ичимликларга акциз солиғини ошириш таклиф қилинди

Шу ўринда қонун лойиҳаси муҳокамасида депутатлар Ҳукумат вакиллари олдига яна бир қатор муҳим масалалар қўйганини қайд этиш жоиз. Жумладан, **"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Валиев** қонун лойиҳасида вирусли гепатитнинг "С" ва "В" турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш харажатлари камайганлигини, шу билан бирга, йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабетолди ҳолати скринингини ўтказиш харажатларига 2024 йилда маблағ ажратилмаганини таъкидлади. Ваҳоланки, ушбу йўналишлар бўйича давлат раҳбари томонидан муҳим қарорлар қабул қилинган.

**Фракциянинг яна бир аъзоси Нодира Жонибекова** "Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Қонун ижроси учун бюджетдан маблағлар шу кунгача ажратилмаганлиги ҳамда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасида ҳам кўзда тутилмаётганлигининг сабаблари билан қизиқди.

Шунингдек, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси энергетик ичимликларга акциз солиғини оширишни таклиф қилди. **Депутат Олтиной Мамирова**нинг фикрича, таркибида шакар моддаси бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига хавф солиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Сир эмаски, таркибида кўп миқдорда шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи энергетик ичимликлар учун ички ишлаб чиқариш ва импортига ҳам акциз солиғи миқдори литрига 500 сўм қилиб белгиланган. Ушбу миқдорнинг камлигини ҳисобга олиб, уни қайтадан кўриб чиқиш таклиф этилди.

Депутатлар кўтарган саволлар, ҳақиқатан ҳам, долзарб. Ўз навбатида, қонун ташаббускорлари ушбу масалалар қонун лойиҳасини иккинчи, учинчи ўқишга тайёрлашда муфассал кўриб чиқилишини билдирди.

Қонун ижодкорлиги — мураккаб жараён. Айниқса, гап бутун мамлакат тараққиёти ва ҳар бир фуқаро ҳаётига бевосита дахлдор бўлган асосий молиявий ҳужжат ҳақида кетар экан, унинг муҳокамасига янада жиддий ёндашилаётгани бюджет маблағларининг мақсадли ва манзилли сарфланишига, харажатларнинг тўғри йўналтирилишига хизмат қилади.

Айни вақтда қонун лойиҳаси масъул қўмита — Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6